

Эй инсонлар, дунё ҳисоб-китобли



18:30 / 15.03.2022 5264

ضَرَّالْاِيْفُ اُوْبَرَضْ اِذِمْ هِنَاوْخِ اِلْ اُولِاقْ وَاوْرَفَكَ نِي دَلَاكْ اُوْنُوكَاتْ اَلْ اُوْنَمَّ نِي دَلَا اِهْيَا اِي
يْفَ اَرْسَحْ كَلْدُ اَلْ
رِي صَبَّ نُوْلَمْ عَتَّ اَمَّ بُّ هَلْ لْ اُوْتِي مِّي وَاوِي حِي هَلْ لْ اُوْمُهَبْ وُلُقْ

Эй иймон келтирганлар! Куфр келтирган ва Аллоҳ уларнинг қалбларида ҳасрат қилиши учун, ер юзида кезиб юрган ёки ғозий бўлган биродарлари ҳақида: «Агар ҳузуримизда бўлганларида, ўлмас эдилар ва қатл қилинмас эдилар», дейдиган кимсалар каби бўлманг. Аллоҳ тирилтирур ва ўлдирур. Аллоҳ қилган амалларингизни кўриб турувчидир. (Оли Имрон сураси, 156-оят).

Ёдларингизда бўлса, мусулмонлар Уҳудга, мушрикларга қарши жангга отланганларида, Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул бошлиқ мунофиқлар ортга

қайтишган эди. Жанг тугаб, ҳамма нарса аён бўлганида, мунофиқлар одатдагидек, ифво тарқатишни бошлашган. Жумладан: «Биз ўз вақтида ортга қайтган эканмиз, мана, соғ-саломат қолдик. Агар қайтмаганимизда, эҳтимол, биз ҳам ўлиб кетармидик? Мана, фалончилар гапимизга кирмай, урушга боришган эди, ўлиб кетишди. Агар бизга қўшилиб, ортларига қайтганларида, ўлмас эдилар ва қатл қилинмас эдилар», – дейишади.

Ушбу ояти каримада ҳақиқий мўминлар ана шуларга ўхшамасликка даъват қилиняпти.

«Эй иймон келтирганлар! Куфр келтирган ва Аллоҳ уларнинг қалбларида ҳасрат қилиши учун, ер юзида кезиб юрган ёки ғозий бўлган биродарлари ҳақида: «Агар ҳузуримизда бўлганларида, ўлмас эдилар ва қатл қилинмас эдилар», дейдиган кимсалар каби бўлманг».

«Ҳасрат» сўзининг маъноси – бирор севимли кишининг ўтиши муносабати ила надомат чекишдир. Яқинларимизнинг ризқ талабида ёки Аллоҳ йўлида ғазотга чиқишлари уларнинг ўлимларига сабаб бўлди, деб эътиқод қилиш қалбда ҳасратни қўзғайди. Бу эса мутлақо нотўғри эътиқоддир. Чунки аслида:

«Аллоҳ тирилтирур ва ўлдирур».

Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким ҳеч кимга ҳаёт бера олмайди ёки ҳаётдан кетказа олмайди. Агар Аллоҳ бирор кимсанинг тирик юришини ирода қилса, у кимса душман ичида жанг қилган тақдирда ҳам ҳеч нарса бўлмасдан, тирик ва соғ-саломат қолаверади. Аллоҳдан ажал келмаса, пашша ҳам ўлмайди. Аксинча, ўлимдан ҳам қочиб қутулиб бўлмайди. Ажал етганида, инсон қаерда бўлса ҳам ўлаверади.

«Аллоҳ қилган амалларингизни кўриб турувчидир».

У Зот ким Аллоҳ йўлида жиҳод қилмоқда, ким жиҳоддан қочиб, мунофиқлик қилиб, мусулмонлар ичида висир-висир гаплар тарқатмоқда – ҳаммасини кўриб турувчи Зотдир. Охиратда буларнинг ҳаммасининг ҳисоб-китоби бор, мукофоти ёки жазоси бор.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди